



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 24 июнь

● сешанба

● № 29 (587-588)

● e-mail: inson\_va\_qonun@mail.ru

## 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

### БАЙРАМ МУБОРАК!

Қонун устуворлигини таъминлаш жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ жараёндир. Бу муҳим ишда матбуот ва ОАВ ходимларининг ўрни бекиёс, албатта. Эркин матбуот ва ОАВнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, соҳага оид вазирлик ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликдаги фаолияти самараларини ҳар жабҳада кўриш мумкин.



Хусусан, 2008 йилнинг ҳозирги даврига қадар Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали 3000 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, бунда телевидение, радио, газета ва журналларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг муносиб ҳиссаси бор. Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларини мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга журналистларнинг ижодий салоҳияти, тажрибаси яқиндан ёрдам беради.

Адлия вазирлиги томонидан журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришга мунтазам эътибор қаратиб келиняпти. Куни кеча мазкур вазирликда 27 июнь — Матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда Адлия вазирлиги фаолиятини кенг тарғиб қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлашда катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ журналистлар Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва қимматбахо совғалар билан мукофотландилар.


Тадбирда Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Аҳмедов иштирок этди ва журналистларни касб байрами билан самимий табриклади.

Дилноза АБДУЛЛАЕВА



#### Ислом КАРИМОВ:

*Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман...*



## Адлия қутлайди!

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**  
Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи:



— Ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласини матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий тарғиботнинг муҳим мезонларини халқчил, оммабоп, раван услубда, халқона тилда, миллат менталитети ва руҳиятидан келиб чиқиб тарғиб қилсак, қўтилган натижаларга эришамиз. Адлия вазирлигида ҳуқуқий тарғибот соҳаси ва барча йўналишдаги тадбирлар асосан, ОАВ билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Нафақат марказий матбуот, балки жойлардаги маҳаллий нашрлар орқали ҳам юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар мазмуни кенг тарғиб қилинмоқда.

Бу борада бизга яқин кўмакдош бўлган ОАВ ходимларига миннатдорчилик билдирашимиз. Уларни яқинлашиб келаётган касб байрами билан қутлаб, оиласига хотиржамлик, ижодий фаолиятида куч-қувват тилаймиз!



**Давлатназар МАТРАСУЛОВ,**  
Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи:

— Миллатимиз ҳуқуқий маданиятини янада шакллантириш, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, ёш авлод онгу шуғрида ҳуқуқий-демократик давлатнинг мақсад-муддаоларини сингдиришда матбуотнинг ўрни бекиёс. Олий даражадаги ҳужжат — Конституциямизда белгилаб қўйилган Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётий ифодаси ўз аксини топган матбуотимизни мен сўз эркинлиги минбарига қиёс этаман! Шу минбардан юртимиз обрўси, халқимиз кадр-қиммати улугланган ҳақ сўз баралла янграйверсин!

**Дилбаҳор ЯКУБОВА,**  
Нотариат, ФХД ва адвокатура бошқармаси бошлиғи:



— Матбуот — кўприк. Халқ ва ҳокимият ўртасидаги адолат кўприғи. Қонун ижодкорлиги, суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларимиз энг аввало, шу кўприк орқали кенг омма руҳияти ва қалбига етиб боради. Шундай экан, матбуот нафақат ахборот манбаи, воқелиқар кўзгуси, балки ҳуқуқий маданиятнинг оммалашувига муҳим аҳамият касб этувчи қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Адлия вазирлиги муассислигида чоп этилаётган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси жамоаси, шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган барча журналистлар, ноширлик иши фидойилари, ижод аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан қутлаймиз. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этаверсин!



**Шокир САЙДОВ,**  
Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи:

— Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ислохот инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган тушунча сингдирилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда тадбиркорликка кенг йўл, имконият яратиб берилган. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ОАВ ходимлари билан ҳамкор ва ҳаммаслак, елкадош бўлиб фаолият юритаётганимиз ишимизнинг ривожини бермоқда. Бу борада матбуотнинг кўмаги мислсиз эканлигини айтиб ўтмоқчиман.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси жамоаси ва барча ОАВ ходимларини касб байрами билан табриқлайман!

### ● Ҳамкор ва ҳамфикр

## СЕРҚИРРА ИЖОДКОРЛАР НАШРИ



**Светлана ОРТИКОВА,**  
Республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

ОАВ орқали инсон кунига эмас, балки соатига янгидан-янги маълумотларга эга бўлади. Ушбу маълумотлар нафақат рўй бераётган янгиликлар ҳусусида, кўп ҳолларда фикр-

Ҳар бир киши эришган ютуғи, ҳаётида рўй берган янгиликлар ва шунга ўхшаш маълумотларни бошқалар билан ўртоқлашгиси ёки биров билан қайси бир муаммо юзасидан дардлашгиси, фикрлашгиси келади. Шу маънода "Инсон ва қонун"ни фикрлар майдонига ўхшатиш келади.

мулоҳазага сабаб бўладиган ахборотларни ўзида мужассам этади.

Ҳозирги техника тараққиёти даврида ахборот нақадар катта тезликда тарқатилиши, тингловчи, ўқувчи, томошабинга етказилиши мўъжизанинг ўзи.

Албатта, буларнинг барчаси инсониятнинг улкан ютуғидир. Лекин онг, тафаккур деган тушунчалар, ўйлаш, одамларни бир-бирига боғлашда, ҳамдарлик ва ҳамфикрликда улкан аҳамият касб этади. Ижод — инсон онги ва тафаккури маҳсули. Журналист қанчалик бар-

камол бўлса шунчалик сермахсул ижод соҳибига айланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами кенгайди. Олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот халққа етказилишида ОАВнинг ҳиссаси тенгсиз бўлмоқда. Бу майдонда "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг ўрни эса ўзгача. Ушбу нашрнинг қай сонини ўқимай, албатта, касбий нуқтаи назардан ҳам, инсонийлик жиҳатидан ҳам қизиқарли мақолаларга

дуч келаман. Бу билан мазкур газета серқирра ижодкорларга бой эканлигини яна бир бор таъкидламоқчиман.

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ҳамда прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорлик жуда яхши йўлга қўйилганлигини эътироф этиш жоиз. Уйлашманки, бу ҳамкорлик вақт ўтган сайин мустақамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси тахририяти ходимларини, қолаверса, республикамиздаги барча журналистларни, матбуот вакилларини чин дилдан, самимий муборакбод этаман, ишларида улкан зафарлар тилайман.

## ГАЗЕТА — БУ КУНДАЛИК ТАРИХ

Биз бугун тезкор ахборот асрида яшаймиз. Дунёнинг нариги чеккасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар саноқли дақиқаларда дунёнинг иккинчи четига етиб келади. Албатта, бу ўринда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни бекиёс. Чунки айнан ижоднинг энг заҳматли соҳаси — журналистика қалам тебратётган қаламкашлар сизу бизни жаҳоннинг барча янгиликларидан хабардор қилиб туришади.

Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи ва энг асосий жиҳати шундаки, биз бугун оммавий ахборот воситалари орқали юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар залвори билан ҳам танишиб бораемиз. Газета — бу кундалик тарихдир. Бу тарихни яратиб масъулияти эса журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг зиммасида.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси матбуот хизмати ходимлари ҳам ҳамisha мамлакатимизда чоп этилаётган вақтга матбуот ходимлари, газета-журналлар тахририятлари билан ҳамкорликда иш олиб боришади. Бугунги «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан мамлакатимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари вакиллари, фидойи журналистларни чин дилдан қутлаймиз. Шунинг баробарида, Транспорт прокуратураси билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси тахририяти жамоасига алоҳида миннатдорчилик билдириб, серзахмат ишларида уларга ҳар доим



**Муборак НАЖМИДИНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори

зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.









## Қорақалпоғистон Республикасидаги "Истиқлол" кичик қурилиш жамоаси

матбуот ва ОАВ ходимларини қутлуғ касб байрами билан муборакбод этади!

Сиз азиз фидойи ижодкорларга сиҳат-саломатлик, юрт меҳридай қайноқ илҳом тилайди!



Мустақил юртимиз равнақи, истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилаётган матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрами билан табриқлаймиз. Демократик жамиятимизнинг эркин матбуот минбарида юртимиз шаънини улғайтаётган, инсон манфаати, ватанимиз тараққиёти йўлидаги ижодий фаолиятларида катта ютуқлар тилаймиз. Оилангиздан қувонч аримасин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Ўрмон хўжалиги жамоаси



## "Самарқандгўштсутсавдо" очиқ акциядорлик жамияти улгуржи ҳудудий базаси жамоаси

матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди.

Ватанимиз шаъни, халқимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, кенг ислохотларнинг фаол тарғиботчиси бўлиш, ахборот асрида зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни бажаришларида улкан ижодий ютуқлар тилайди.



## ЙИЛЛАР САБОҒИ

Ўтган йили мустақиллик байрами муносабати билан Татьяна Кўзиева давлатимиз томонидан юксак мукофотга сазовор бўлгани ҳамкасблари орасида унинг обрў-эътиборини янада ошириб, таниш-билишлари уни яна янгидан кашф этишди гўё.

Меҳнатнинг бундай юксак эътирофи фидойи солиқчини бундан-да, жўшиб, астойдил ишлашга ундади...  
Хассос шоир Абдулла Ориповнинг "...Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл", деган шохона сатри гўё Татьяна опага ва у сингари меҳнаткаш, ҳалол, дилкаш оналаримиз, опа-сингилларимизга қарата айtilгандек.

Молия ўқув юртида тахсил олган Татьяна опа яшайотида Бухоро вилояти ижроия қўмитаси молия бўлимида бошлади. Солиқ тизими алоҳида ажралиб чиққач, мустақил юртининг биринчи солиқчиси сифатида вилоят Давлат солиқ бошқармаси юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимида ишлаш бошлади.

— Менга илк сабоқ берган устозларим Равиля Холметова ва Галина Катикваларнинг ўғитлари ҳеч эсимдан чикмайди. Улар ҳар доим "Бошлаган ишингни охирига етказ. Чала қолган иш обрўингга путур етказибгина

қолмай, кўринмай турган камчиликларингни ҳам ошкор этади", дер эдилар. Уша пайтда бу ўғитларга яхши тушунмасам-да, унга амал қилиш ҳаракатида бўлдим. Ҳаёт сўқмоқларида, йиллар сабоғидан, одамлардан жуда кўп нарса ўрганиб, изланишдан толмадим. Хозир эса, менинг ҳаётимга ижобий таъсир қилган ҳикматни янги иш бошлаган ҳамкасбларимга такрорлайман.

Вилоят Давлат солиқ бошқармасида ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлимида солиқ тизими ташкил этилганидан буён ишлаб келаётган Татьяна Кўзиева учун ўтган йилги истиқлол байрами кўшалоқ бўлди. Унлаб ёшларга устозлик қилган олихон нафақат жамоанинг ҳурматиға, балки ватанимизнинг олий мукофотларидан бири — "Дўстлик" орденига сазовор бўлди. Шу онда унинг кўзларидан беихтиёр қувонч ёшлари қалқиди.

— Президентимиз томонидан "Дўстлик" орденининг топирилиши ҳаётимнинг унутилмас лаҳзалари бўлди, —

дейди Татьяна опа.

— Уша пайтдаги ҳолатимни сўз билан ифода қилай олмайман. Юрагимда фахр-ифтихор туйғулари яна бир бор мавжланди. Менинг бор-йўғим, сеvimли касбим. Оилам ҳам, болам ҳам, шодлиғи ғам-ташвишим ҳам касбим. Бирор кунимни бўлимимдаги сафдошларимсиз тасаввур қилолмайман.

Татьяна Кўзиева ишда қанча жиддий бўлмасин, рус фольклор кўшиқларининг қойиллатади, латифаларни маромига етказди. Хуллас, у бўлган даврада доимо кулги ҳўқирон. Шунинг учун ҳам кўпчилик унга ҳамсуҳбат бўлишга интилади.

...Телефон жириглайди. Гўшакни олган ҳамкасб йигит "Татьяна опа, сизни сўрашяпти. Яна Солиқ кодексига юзасидан савол", дейди. Татьяна Кўзиева 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодексига, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар юзасидан солиқ тўловчига маълумотлар беради. Иш юритишда йўл-йўриқ кўрсатади. Солиқларни ўз вақтида тўлаш, қонунларга амал қилиш билан савобли ишга бош қўшаётганини ҳар бир кишига тушунтиришдан эринмайди. Солиқлар ва тўловлар қаерга, нимага ва қимларга сарфланишини ўқтиради. Ундаги ёшларга хос ғайрат-шижоатнинг борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. У ана шундай хушчақчақ, ўз умридан ҳар қандай шароитда ҳам миннатдор аёлларимиздан бири. □

Дилором ҲАЛИМОВА,  
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати масъул ходими

## ҚАДРДОНЛИК

Матбуот, маънавият, мафкура ва ҳуқуқ. Бу тўртала тушунча бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Мен уларни ҳеч қачон бир-бирдан алоҳида тасаввур қилолмайди. Уларни ҳаммасини бирлаштириб турувчи бир ўзак томир мавжудки, бу, ҳеч бир шубҳасиз, матбуотдир.



Матлуба НЕГМАТОВА,  
Каттақўрғон шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

Чунки айнан оммавий ахборот воситалари миллий оғини шакллантиради, мафкурасини тарғиб этади, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиради. Шунинг учун матбуот ходимлари мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, у ким бўлишидан қатъий назар, деҳқон бўладими ёки раҳбар, бирдай қадрдон ва ҳамфирқидир.

Мен бугун, "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини" да мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган "Инсон ва қонун" газетаси жамоаси ва барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан қутлайман. Уларга байрам тилагим: Қўлларидаги қаламлари ҳеч қачон тўғри йўлдан тоймасин. Барча қаламкашлар ҳаммаша адолат байроғини тик тутиб, эл-юрт, миллат манфаати йўлида курашишдан толмасин. □



Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 4 июлда Тошкент вилояти адлия бошқармаси Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналари ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими катта масаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Собитжон Мамарузиевич Мамарузов номига берилган 062-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

— Сизни бир одам билан таништирмакчиман. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейдилар. Яхшиси, қишлоққа бориб, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул. Бахонада чўл одамлари, уларнинг яшаш тарзи билан ҳам яқиндан танишасиз, — деди Марямхон Эштурдиева.

Опа — Қашқадарё вилояти, Қосон тумани молия бўлими мудараси. Мутахассислиги иқтисодчи бўлса-да, бадиий адабиёт, шеърят шайдоси.

Марямхон машина бошқаришда ҳам моҳир экан. Бийдек, тап-тақир чўл ўртасини кесиб ўтган тасмадек йўлнинг танобини тортиб, бир пасда қўзлаган манзилга ҳам етиб келди. Бир-бирдан 5-10 қақирим олисда жойлашган қишлоқлар ўртасида гавжум маскан — Олатўн қишлоқ бозори жойлашган.

— Бу ердан туман марказига 50 қақирим, — изоҳ беради мударра. — Шу теварак-атроф қишлоқларнинг аҳолиси бозор-ўнар қилиш учун шунча масофа босиб бозорга бориши лозим эди. Шу қишлоқлик тадбиркор Бободўст Эсонов қишлоқдошларининг мушқулини осон қилди. Олатўн деҳқон бозорини қуриб берди. Узи айна пайтда шу бозор қўмитасининг раиси.

Опа билан бозор ора-олаб бозорқўм идорасига яқинлашамиз. Ойнадан бизни кўрган Бободўст ака бизга пешвоз чиқади.

Бозорқўм очиқ чехрели, хушфелъ киши экан. Узок йиллар ички ишлар соҳасида хизмат қилган, айна пайтда нафақат экан.

— Қишлоқ одамларининг тирикчилиги ўнла-нишига хизмат қилсин, деган ниятда бозор қуришга аҳд қилдим, — дейди Бободўст ака. — Бизга энг яқин бозор 60-70 қақирим олисда жой-

## БОБОДУСТ БОБОНИНГ БОЗОРИ

Бу ерда асосий мезон ҳалоллик

лашган. Бориш муаммо. Яна бир жиҳати бозор оғинининг остида бўлса, рўзгордан органини сотиш учун бозорга олиб чиқасиз-да. Демак, рўзгорнинг кам-қўсти би-тади.

Бозор айланамиз. Бу ерда қишлоқ одамлари эҳтиёжи учун нима керак бўлса бари топилади. Игна-ип, қанд-курс, ёндош майдончада эса ҳатто тугача сотилади.

— Бозор баҳона кўпчилик рўзгорини тиклаб олди, — дейди, олатўнлик қария Холмат бобо Бадалов. — Одамларнинг турмуши янада яхшиланиб, рўзгорига қўт-барака қираяпти. Бозорқўмининг яна бир яхши фазилати бор. Бозордан тушган фойданинг маълум қисмини етим-есирларга сарфлайди. Уларнинг бошини сарфлайди.

Бободўст ака Олатўн фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларнинг камхарж, эҳтиёжманд оилаларига ҳар ойда 20 минг сумдан пул ажратар экан. Наврўз байрамида шу қишлоқлик имконияти чекланган Тошпўлат Норбоевга ногиронлик арава-часи совға қилибди.

— Етимликда катта бўлганман, — дейди Бободўст ака. — Давлат мени

ўқитди. Ўқимишли, мартабали бўлдим. Обрў-эътибор топдим. Бировдан кам бўлмадим. Яратганга шуқур, хозир ҳам кам эмасман. Жонгул янгангиз билан икки ўғил, уч қизни тарбиялаб элга қўшдик.

Тадбиркор ўз ҳисобидан қишлоққа сув келтирибди. Бободўст аканинг ховлисини наҳ жаннат дейсиз. Мевали даракларнинг барча туридан бор. Эндиликда эса қишлоқ, бозор теварак-атрофини ҳам обод қилишга ҳаракат бошлаб юборилган.

— Ёшим олтмишдан ошди, — дейди Бободўст Эсонов, — Янги давр ишла, ҳаракат қил, роҳатини кўр, деб турган паллада кўл қовуштириб ўтирсам инсофдан бўлмас. Бунинг устига ёшим ўтиб бормоқда. Савоб ишларга улгуриш керак.

Бу ўткинчи дунёда ўзидан нурли бир из қолдириб кетмоққа эришмоқ — олий бахт. Шоир айтганидек "Қўлларнинг бахтига ўзликни жамлаб, шу улғу бинога бир гишт қўя билмоқ бахт"ига эришмоқ эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. □

Ойдин АНОРОВА,  
"Инсон ва қонун" муҳбири



